



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 2754-2  
2020 yil 19 fevral



O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA  
SERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI  
BOSH DIREKTORINING  
BUYRUG'I

**Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги  
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги,  
“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунлари  
ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги  
ПҚ-4059-сон “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,  
сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директорининг 2016 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи  
(рўйхат рақами 2754, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган  
Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач  
кучга киради.

Бош директор



 Д. Саттаров

Тошкент ш.,  
2020 йил “22” 01  
6 -сон

Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директорининг  
2020 йил 22 январдаги  
6-сон буйруғига  
ИЛОВА

## **Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Сертификатлаштиришга ариза электрон шаклда берилган тақдирда МТСО ҳужжатларнинг сканер қилинган версиясини қабул қилади, сўнгра уларни сертификатлаштириш жараёнида асл нусхаси билан таққослайди. МТСО электрон шаклдаги сертификатлаштиришга ариза олингани тўғрисида ариза берувчини шу куннинг ўзида хабардор қилинишини таъминлайди.”.

2. 7-банднинг иккинчи хатбошиси “сифат бўйича қўлланмани” деган сўзлардан кейин “(агар мавжуд бўлса)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 30-банддаги “5 йилни” деган сўзлар “3 йилни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 34-банддаги “6 йил” деган сўзлар “4 йил” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 39-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“39. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши мувофиқлик сертификатини берган МТСО, “Ўзстандарт” агентлиги ёки суд томонидан қуйидаги ҳолларда олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади:”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ташкілот инспекция назоратини амалга оширишдан бош тортганда ёки инспекция назоратини талаб этиладиган муддатда ўтказишга рухсат бермаганда;

ташкілот ихтиёрий равишда сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида ариза билан мурожаат қилганда.”.

6. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.





**NATIONAL SYSTEM OF CERTIFICATION OF UZBEKISTAN**

(name and address of management system certification body, №: in the state register of conformity assessment bodies)

№ \_\_\_\_\_

(form number)

**CERTIFICATE OF CONFORMITY**

Registered in the State register of the national certification system №

(national mark of conformity)

date of issue:

valid till:

**Certificate of conformity certifies that management system**

(name of a company)

address:

additional information:

**complies with the requirements of**

(name of normative-legal documents and regulatory documents in the field of technical regulations)

and will be implemented in the  
following areas:

**Head of management system  
certification body**

\_\_\_\_\_  
(signature)

\_\_\_\_\_  
(full name)

(stamp)

For special marks

”

